**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

| | |
|---|---|
| "ТАСДИҚЛАЙМАН" | "КЕЛИШИЛДИ" |
| ЎзМУ ректори | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| ____________ | ____________ |
| 2018 йил "13" 07 | 2018 йил "25" 08 |
| | Рўйхатга олинди: № БД |
| | 2018 йил "28" 08 |

# ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## ФАН ДАСТУРИ

**(Барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)**

**ТОШКЕНТ-2018**

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” 08 даги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” 08 даги 744 - сонли буйруги билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| А.Утамурадов | – Ўзбекистон Миллий университети, Демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, профессор. |
| Ж.Ё.Мавлонов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими, фалсафа доктори (PhD) |
| У.Х.Бутаев | –ЎзМУ доцент в.б., фалсафа доктори (PhD) |
| О.Мухаммадиева | – ЎзМУ “Миллий ғоя” ф.ф.н., доценти |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| А.Муминов | – Ўзбекистон миллий университет, сиёсий фанлар доктори, профессор. |
| У.Идиров | – ТДШИ кафедра мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор. |

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “13” 07 даги “3” -сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти” фанини олий ўқув юртлари бакалавриат йўналишларида ўқитиш белгиланган. Дастурда фаннинг мақсадлари, вазифалари, мазмуни ва малакавий талаблар белгиланган бўлиб, мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига оид қонуниятлар, тамойиллар, белгилар, амалга ошириш механизмлари ва унга доир замонавий концепциялар берилган.

Дастур фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг Биринчи Президент И.Каримов томонидан назарий методологик асосларининг ишлаб чиқилганлиги ва Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичидаги туб ўзгаришлар асосида тузилган. Шунингдек, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиеёвнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳолининг иштирокини таъминлаш, давлат ва халқ ўртасида самарали мулоқотни ўрнатишнинг асосий йўналишлари асосида ишлаб чиқилган.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишнинг мақсади – талабаларга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари, Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида чуқур билим бериш орқали уларда фаол фуқаролик позицияси, танқидий таҳлил ва шахсий масъулиятини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун моҳиятини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишларини, уларни амалга ошириш механизмларини тушунтириш; фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослари тўғрисидаги тасаввурларини бойитишдан иборат.

Фан буйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига куйдаги талаблар куйилади. ***Талаба:***

– Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида амалга оширилаётган ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамиятининг шаклланиш асослари, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг илмий-методологик асослари, фуқаровийлик, фуқароллик жамияти институтлари, сайлов ҳуқуқи

эркинлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий шериклик, давлат хусусий шериклик, жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиш;***

– “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат бой ва қудратли бўлади” каби концептуал ғояларнинг мазмун моҳиятини, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган асосий йўналишлар ва вазифаларни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш бўйича ўзининг таклифларини бера олиш, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар ва уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишини таҳлил қила олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши

Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади. Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи. Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси. Фанининг предмети, объекти, мақсади, ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари, функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари.

### 2-мавзу. Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичининг асоси

“Ривожланиш”, “стратегия”, “концепция” ва “инновацион ривожланиш” тушунчаларининг мазмуни ҳамда турли хил ёндошувлар. Мустақил Ўзбекистон Миллий тараққиёт моделининг ишлаб чиқилиши. Тараққиётнинг инновацион модели. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишининг илмий-методологик асослари ва устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси - миллий тараққиётимизнинг янги босқичи. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, “Халқ давлат идраларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” концептуал ғоялар – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асоси.

## 3-мавзу. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш. Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш. Давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш. "Электрон ҳукумат", "халқ билан мулоқот", "виртуал қабулхона", "халқ қабулхоналари", "танқидий таҳлил", "қатъий тартиб интизом ҳамда шахсий масъулият", "йўл харитаси", "ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари" каби янги ибораларнинг мазмуни ва амалда қўлланилиши. Давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш.

## 4-мавзу. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. Одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Ҳуқукни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш. "Кафолатланган хавфсизлик", "адолат кўрғони", "ўз болангни ўзинг асра" тушунчаларнинг мазмуни ва амалда қўлланилиши.

## 5-мавзу. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва устувор йўналишлари

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида инвестициялар ва инновацион гоялар. Иқтисодиётга инновациялар ва янги технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқилиши. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш. Тадбиркорликни қўллаб-қуватлашнинг замонавий механизмлари. "Ҳар бир оила –тадбиркор" тамойили. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотлар. Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш. Солиқ юкини камайтириш. Солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш.

**6-мавзу. Ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш**

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш. Илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси”га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши. Мактабгача, умумий ўрта, касб-хунар ва олий таълим тизимидаги туб ўзгаришлар. Илм соҳасида инновацион ёндошувни ривожлантириш. Ёшлар - келажагимиз давлат дастурининг амалга оширилиши.

**7-мавзу. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш**

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш. Давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш. Давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш. Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсати амалга ошириш.

**8-мавзу. Коррупцияға қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти**

Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида қабул қилинган ЭКОСОС (БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши)нинг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 йил), Давлат

мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 йил). Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 йил). 2008 йил июл ойида Ўзбекистон Республикасини БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”га қўшилиши. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (2017 йил). Коррупцияга қарши кураш ишларида фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш механизмлари.

### 9-мавзу. Фуқаро, фуқаровийлик ва фаол фуқаролик позицияси

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Фуқаро ва фуқаровийлик тушунчаси. Фуқаровийликнинг асосий белгилари ва мезонлари. Фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниши, уни амалиётда қўллаш кўникмаси ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши. Ҳуқуқий саводхонлик ва маданият – фуқаровийликни шакллантириш омили. Фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги. Фуқаровийликни ижтимоий фаоллик нуқтаи назаридан шартли равишда даражаларга бўлиш ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар. Фуқаролик онгининг жамият ҳаётида турли шаклларда намоён бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари. Фуқаровий онг жамиятни бирлаштирувчи куч сифатида.

### 10-мавзу. Сайлов ҳуқуқи эркинлиги – фуқаролик жамиятининг шарти

Эркин сайловлар - фуқаролик жамиятининг асосий белгиси. Сайлов тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари, тизимлари. Ўзбекистон қонунчилигида халқаро сайлов стандартларига асосланиши. Сенатор ва депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаталарининг роли. Ўзбекистонда “Сайлов кодекси”ни қабул қилиш зарурияти.

### 11-мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш

Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни. Кўппартиявийлик – фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни. “Кучли давлатдан

- кучли фуқаролик жамият сари” концепцияси. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштирилиши.

**12-мавзу. Жамоатчилик назорати ва давлат органлари фаолиятининг очиқлиги.**

Жамоатчилик назорати тушунчаси. Жамоатчилик назорати тизими, субъектлари, шакллари ва турли кўринишлари. Ваколатли фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорати. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш механизмлари. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг (2018) қабул қилиниши ва унинг аҳамияти. Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВни ролини ошириш. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.

**13-мавзу. Ижтимоий шериклик.**

Ижтимоий шериклик тушунчаси, ва унинг талқинлари. Ижтимоий шерикликнинг ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослари. Ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик. Ижтимоий шерикликнинг турлари, мақсад ва вазифалари, субъектлари, ташкилий-ҳуқуқий механизмлари. Мамлакатимизда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг (2014) қабул қилиниши ва унинг аҳамияти. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасии оширишга қаратилаган давлат – хусусий шерикликинг замонавий механизмларини жорий этиш.

**14-мавзу. Фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг асосий йўналишлари.**

Фуқаролик позицияси тушунчаси ва уни шакллантирадиган асосий омиллар. Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ижтимоий-маънавий ва ахлокий жиҳатлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролик маданияти ва шахсий масъулиятининг ўрни. Ўзбекистонда ёшларга оида давлат сиёсати. Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучи. Ёшлар - келажагимиз давлат дастурининг амалга оширилиши. Ёшлар фаоллигини оширишда Ўзбекистон Ёшалар иттифоқининг ўрни.

## IV.Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари мавзулари маърузалар мавзулари билан мос келади. Айни пайтда уларнинг режалари бир-биридан қисман фарқ қилади. Маърузалардаги фундаментал масалалар семинар машғулотлари мавзуларига ҳам ўтказилган. Бундан кўзда тутилган мақсад фаннинг муҳим масалаларини

чукур ўзлаштиришдан иборат. Тушуниш ва ўзлаштириш осон бўлган масалалар мустақил таълимга кўчирилган.

**Семинар машғулотлари бўйича қуйдаги мавзулар тавсия қилинади:**

1. Фуқаролик жамиятини қуриш – стратегик мақсад.
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи.
3. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсад ва вазифалари.
4. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари.
5. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш.
6. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.
7. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ваустувор йўналишлари.
8. Ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.
9. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш.
10. Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи.
11. Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси.
12. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгилари. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги замонавий концепциялар.
13. Фуқаролик жамияти тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг шаклланишининг асослари.
14. Фуқаролик жамияти фанининг мақсади, ўқув, илмий, амалий ва тарбиявий вазифалари, функциялари.
15. Фуқаролик жамияти фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятлари.
16. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш, ривожлантириш босқичлари ва истиқболлари.
17. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиувчи фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши.
18. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назорати.
19. Қонун устуворлигининг таъминланиши.
20. Фуқаролик жамияти шаклланишининг халқаро ҳуқуқий тамойиллари ва манбалари.
21. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ тамойилларининг акс эттирилиши ва ривожлантирилиши.
22. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш масалалари.
23. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинлик, мажбурият тушунчалари.

24. Инсон ҳуқуклари умумжаҳон Деклорациясида белгиланган асосий ҳуқуқлар.

25. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати.

26. Шахсий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчалари.

27. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг тавсифи.

28. Фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши.

29. Ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ва концептуал асослари.

30. Қонун устуворлигини таъминлаш механизмларининг ишлаб чиқилиши.

31. Эркин сайловлар фуқаролик жамиятининг асосий белгиси. Сайлов тушунчаси ва турлари.

32. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуклиги унинг ижтимой ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши.

33. Эркин сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаталарининг роли.

34. Фуқаровийликнинг асосий белгилари ва мезонлари.

35. Фуқаровийлик ватанпарварликнинг намоён бўлиши.

36. Фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниш ва уни амалиётда қўллаш кўникмаси ва бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиши.

37. Коррупция ва унга қарши кураш тушунчаси.

38. Коррупцияга карши кураш борасида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар.

39. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.(2017 йил).

40. Демократик институтлар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

41. Кўппартиявийлик – фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.

42. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши.

43. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари.

44. Фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлиги.

45. Фуқароларнинг электрон мурожаатлари ва “Халқ қабулхоналари” .

46. Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни.

47. Жамоатчилик назорати тизими ва жамоатчилик назоратининг субъектлари.

48. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти.

49. Ижтимоий шерикликнинг ривожланишининг назарий-ҳуқуқий асослари. Ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик.

50. Ёшлар фаоллигини оширишда Ўзбекистон Ёшалар иттифоқининг ўрни.

**Изоҳ:** Мазкур рўйхатдаги мавзулардан семинар машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

## V.Мустақил таълим мустақил ишлар

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Мустақил таълим бўйича тавсияэтиладиган тахминий мавзулар:

1. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мақсади.
2. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари.
3. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётганислоҳотларнинг моҳиятини тушунтириш.
4. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.
5. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва устувор йўналишлари.
6. Ижтимоий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.
7. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш.
8. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари ва тамойиллари.
9. Давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро муносабатлари.
10. Ёшлар муаммоларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли.

11. Маҳаллий бошқарувда фуқаролик жамияти институтларининг роли.
12. Виртуал қабулхоналар жамиятни демократлаштириш меъзони.
13. Халқ қабулхоналари ижтимоий институт сифатида.
14. Маҳалла фуқаролик жамияти институти сифатида. (Ўзингиз яшаётган маҳалла фаолияти мисолида таҳлилни амалга оширинг).
15. Фуқаролик жамияти институтлари олдида турган муаммоларни таҳлил қилинг. (Бирор-бир институт фаолияти мисолида).

**Изох:** Мустақил иш мавзулари фаннинг бўлимлари бўйича ишчи дастури шакллантирилаётганда машғулотлари учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар:


1. Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!. Муаллифлар жамоаси. Т.: Муҳаррир. 2018.
2. Бекмуродов М. ва бошқалар. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Т.: Ғофур Ғулом НМИУ. 2017.
3. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.
4. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Утамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти. Ўқув қўлланма. Лотин ёзувида. Т.: Университет. 2018. 21 б.т.


### Қўшимча адабиётлар:


1. Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. - 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-104 б.
4. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига

бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 22 декабрь 2017 йил. Халқ сўзи газетасининг 2017 йил 23 декабрь № 258 (6952)-сони.
9. “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5430-сон Фармони. -Т.: 2018 йил 4 май.
10. Авесто. Тарихий –адабийёдгорлик. – Т.: Шарқ, 2001.
11. Аристотель. Политика. – М.: АСТ, 2006.
12. Афлотун. Қонунлар. Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. - 458 бет.
13. Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. – Т.: Академия, 2008.
14. Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. – Т.: Адолат, 2003.
15. Берк Э. Правление, политика и общество / пер. с англ. – Канон-Пресс-Центр, 2001.
16. Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.
17. Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча. 1989.
18. Бўтаев У. Жамият барқарорлиги: Ўзбекистон тажрибаси. Т.: Фан ва технологиялар. 2017. 11.9 б.т.
19. Гегель Г.В.Ф. Философия права / Пер. Б.Г. Столпнера, М.И. Левиной; Сост. Д.А. Керимов, В.С. Нерсесянц. – М.: Мысль, 1990.
20. Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – М.: Соцэкгиз «Образцовая», 1936.
21. Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
22. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Baktria press, 2015.
23. Ибн Сина. Избранные философские произведения / Отв. ред. Асимов М.С. – М.: Наука, 1980.
24. Қиргизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сийсий маданиятлар. – Т.: Шарқ. 1998.
25. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.

26. Коэн Дж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – М.: 2003.

27. Нишанбаева Э.З. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. – Т.: Шарқ, 2015.

28. Р.Муртазаева, А.Утамурадов, О.Мусаев, Д.Иноятова Жамият ривожида фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар фаолиятини такомиллаштириш. Услубий қўлланма. Т.: Турон. 7,5 б.т. 2018.

29. Мавлонов Ж.Ё. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. – Т.: Истиқлол нури, 2014.

30. Мавлонов Ж.Ё. Коммуникативные основы деятельности институтов гражданского общества: тенденции и инновации. Монография. – Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.

31. Маликова Г.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – миллий демократик институт / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

32. Муминов Э.А. Модернизация гражданского общества в Республике Узбекистан и Королевстве Испания. – Т.: ИПТД имени Г. Гуляма, 2011.

33. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002.

34. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.

35. Навоий А. Садди Искандарий.– Т.: Адабиёт ва санъат, 1978.

36. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сиярул-мулук– Т.: Адолат, 1997. .

37. Платон. Государство// Платон. Соч. в 3-х томах. Т. 3. Часть I. М., 1971.

38. Рахманов А. Гражданское общество: достижения, проблемы, перспективы: учебное пособие. – Т.: Академия, 2007.

39. Токвиль А. Демократия в Америке. – М.Известие, 1992.

40. Темур тузуклари. Б. Аҳмедов таҳрири остида– Т.: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт –матбаа бирлашмаси, 1991.

41. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

42. Цицерон. Диалоги. О государстве. О законах – М.: Наука, 1966.

43. Юсуф Хос Хожиб қутадғу билиг. – Т.: Фан. 1971.

44. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Мерос, 1992.

45. Толибов И.И. Фуқаролик жамияти: тушунчаси, институтлари, асосий принциплари ва функциялари / Ред. А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, 2008.

46. Усманов М. Узбекистан-по пути к сильному гражданскому обществу: тенденции и перспективы / М.Усманов, А. Саидов. - Ташкент: Vnesh Invest Prom, 2014.

47. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Ўқув қўлланма / Т. Дўстжонов, М. Мирҳамидов, С. Ҳасанов. – Т.: Iqtisod – Moliya, 2006.

48. Утамуродов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. – Т.: Turon-Zamin, 2017. 19,5 б.т.

49. Утамуродов А. Фуқаролик жамияти ғоялар эволюцияси. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. 12 б.т.

50. Факторы развития гражданского общества и механизмы его взаимодействия с государством / под ред. Л.И. Якобсона. — М.: Вершина, 2008.

51. Хасанов Р., Утамурадов А. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. Услубий қўлланма. – Т.: 2016. 14 б.т.

52. B. Desker and M. N. M. Osman.S Rajaratnam on Singapore: from ideas to reality.— Singapore: World Scientific Publishing, 2006.

53. Baker G. 2002. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices.

54. O'.Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass:Tufts University Press, 1999.

55. Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and Perspectives/ Ed. by L.Diamond et al. Baltimore and London: The Johns Hopkins U.P., - 1997. – P.239-262.

56. Walzer M. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society.Providence RI: Berghahn Books. 1995.

**Электрон таълим ресурслари:**

1. www.press-service.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.xs.uz
4. www.nimfogo.uz
5. www.xdp.uz/
6. www.adolat.uz/
7. www.uzlidep.uz/
8. www.milliytiklanish.uz/
9. www.ngo.uz
10. www.mahalla.uz
11. www.kamolot.uz
12. www.kasaba.uz